

меъморий обидаларга кўплаб зарар етган. Аммо Амир Темури ва Темурийлар даври яъни XIV асрдан бошлаб яна қайта тиклана бошлади. Ўрта асрлар шаҳарларнинг ривожланиши, унинг кўркамлашиши айнан Темури ва темурийлар билан боғлиқдир. Бу даврда Регистон, Шайхантахур мақбараси, Жоме масжиди, Қалдирғочбей мақбараси, Юнусхон ва Зангиота мақбаралари қад кўтарди.

XVI аср эса энг гуллаб яшнаган даврига тўғри келади. Айнан шу даврдан шаҳарнинг топографияси шакллана бошлади [2,22].

Бу даврда йирик меъморий обидалар Регистондаги Кўкалдош мақбараси, Ҳазрати Имом ансаблидаги Барокхон мадрасаси, Каффол Шоший мақбаралари қурилган. Ҳазрати Имом ва Зайниддин Куфӣ Орифоний ёдгорлиги ҳам шаҳар ташқарисида қад кўтарган бўлса, XV асрда шарқий қисмидан Шайх Хавонда Тахур ансабли бунёд этилган [2,32]. XV аср охирида эса Шайх Хавонда Тахур ансаблида Тошкент ҳукмдори Юнусхон мақбараси қурилди. Юнусхоннинг вақфга ажратган ерларидан тушган даромад эвазига молиялаштирилган эди [11,31]. Юнусхон мақбараси бизгача яхши сақланиб қолган [3,12]. Унинг гумбазли биноси пишиқ гишт ва тошдан қурилган. Кучли зилзилалар туфайли мақбара шикастланган. Бугунги кунда мазкур мақбара тикланган [3,14].

Ҳазрати Имом мажмуаси X асрнинг йирик имоми Абу Бакр Муҳаммад номи билан боғлиқ. Унинг номи улуғланиб Ҳазрати Имом деб номланган [4,6]. Ҳазрати Имом Мажмуаси XVI асрга келиб улуғвор тус олди. Кайкавус (Қалкауз) каналидан сув олиб чиқилиб боғ ҳолатига олиб келинди [2,32]. Мақбара рўпарасидан Тошкент хони Барокхон томонидан талабаларга мўлжалланган 32 хужрали, олди пештоқли Барокхон мадрасаси қурилди. Бу мадраса шу ҳудудда жойлашган икки мақбарани ҳам ўз ичига олган [7,106]. Унинг миллий традиция бўйича катта дарсхонали хужралар билан ўралган чорси ҳовлиси бўлган [6,106]. Дастлаб мадраса сифатида қурилган бино кейинчалик масжидга айлантирилди. Барокхон

ҳукумронлиги давриёқда кўп маротаба ўзгартирилди ва таъмирланди. Мадраса қўш гумбазли бўлганлиги сабабли “Гумбази Барокхон” номи билан ҳам машҳур бўлган [9,94]. 1863 йилда эса зилзила натижасида жиддий шикаст етди [5,77]. Мазкур ҳашаматли бино турли касб эгалари меҳнатини ўзида мужассам этган [3,14].

Ҳазрати Имом Мажмуасида жойлашган Каффол Шоший мақбараси 1541-1542 йиллар мемор Ғулам Хусайн тамонидан тикланган [3,12]. Муҳаммад Солиҳ ёзишича Каффол Шоший мақбараси жойлашган даҳа кўпроқ Себзор деб аталган. Бу шахс асли тошкентлик бўлиб, унинг тўла исми Абу Бакр Каффол Шоший эди (903—976). Ғафур Ғулом кинотеатрининг ғарб томонида, Барокхон мадрасаси биносидан 120 метр чамаси шимолроқда жойлашганини такидлаб ўтади. Бу жойда баланд гумбазли мақбара бўлиб, олди томони шимолга қараган, Каффол Шошийнинг қабри мақбаранинг орқа қисмида жойлашган [11,26].

Бу даврда Тошкентнинг Бешёғоч қисмининг Шойхонтохур кўчасидада 38 хужрали, олди баланд пештоқли Кўкалдош мадраса ҳам мавжуд бўлиб, айрим манбаларда зинокор аёллари жазоловчи ҳудуд вазифасини ҳам бажарганлиги келтирилган. Айбдор аёл дастлаб қопга солиниб, масжид пештоқидан улоктирилган [5,77]. Бундан ташқари қозилар ва хонлар ҳукмига кўра оммавий қатллар учун жой вазифасини ҳам бажарган [12, 14]. Мадраса Бухоро амири Барақхоннинг вазири Қулбобо Кўкалдаш томонидан қурилган. Мадраса қадимий баланд тепалик устига қурилган [6,96]. Масжид пишиқ гиштдан қурилган, гумбази хаворанг бўлган [3,12]. XVIII асрга келиб қаровсиз қолган мадраса қарвонсарой сифатида фойдаланилган [7, 296]. XVI аср охирига келиб мадраса безаклари ва улуғворлиги бўйича энг йирик диний бинога айланди [10, 207]. Тахминан 1904 йил қайта таъмирланган [11, 31]. Кўкалдош мадрасаси хужраларида Фуркат, Ҳамза ва бошқа олимлар истиқомат қилган [9,269].

XV асрда Тошкентнинг Бешёғоч қисмида тошкентлик Убайдулла томонидан Хожа Ахрор-Валий мадрасаси қурулган. Муҳаммад Солиҳ маълумотларига кўра безаклари улуғвор бўлмаган 21 хужрали бўлган [11,31]. Хожа Ахрор-Валий авлиё Убайдулланинг тахаллуси бўлган. У 1404 йил Тошкенда туғилиб, илк билимларини Самарқандда олгандан сўнг Хиротда 5 йил давомида яшаб, илм олган. Кейинчалик Самарқанда яшаб уша ерда вафот эткан [5,77]. Хожа Ахрор-Валий мадрасаси рўпарасида XV асрнинг 50-йилларида Хожа Ахрор-Валий масжиди ҳам қуриб битказилган[3,12]. Хожа Ахрор-Валий мадрасаси марказдан ўтувчи барча шаҳар йўлларида кўриниб турган [10, 205]. Кейинчалик вайронага айланган масжидни император Александр III буйруғига биноан 17 000 рубль ажратилиб қайта қурилган. Қайта қурилган масжид 1888 йил жамоат намозида очилган [5,77].

XVI асрда Тошкент Шайбонийлар ҳукмронлиги остига ўтди. Шайбоний Суюнчихон ва авлодлари 1508 йилдан то аср сўнгига қадар Тошкент бошқарувини ўзида ушлаб қолган[2,32]. Суюнчихон ҳам ўз ҳукмронлиги даврида Тошкентда кўплаб масжид ва мадрасалар бунёд этди. Ҳозирги кунга қадар айнан XVI асрга оид масжид ва макбаралар сақланиб қолган.

Кўкон ҳукмдорлари ҳукмронлиги даврида ҳам Тошкент воҳасининг меморий обидаларига эътибор қаратилди. Шаҳарнинг қадимий иншооти Ҳазрати Имом мажмуаси қайта реставрация қилинди. 1859 йил эса Бароқхон мадрасаси, 1856 йил Муи-Муборак мадрасаси, Тилла Шайх масжиди ва кўплаб кичик бинолар қуриб битказилди[2,42].

Бу даврга оид Абулқосим мадрасаси – “Янги маҳалла” мадраси деб ҳам аталган [7,39]. Дастлаб мадраса бир қаватли бўлган. Бешёғоч даҳасининг гўзари вазифасини ҳам бажарган. 1867 йилда иккинчи қавати қад кўтарган. 1983 йилдан Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш

жамиятининг Тошкент бўлими жойлашган [8, 74]. Бу мадрасада Абдулла Қодирий ҳам таълим олган[9].

Кўкон хонлиги даврида Шайхонтахур мажмуасига катта, асосий дарвоза орқали қирилган. Дарвозахонанинг ён тарафида бир қаватли, унча кўркам бўлмаган Эшонқул додхоҳ мадрасаси бўлган. Бу мадрасани уша давр Кўкон хонининг Тошкентдаги лашкарбошисининг ўғли тамонидан қурдирилган. XIX асрнинг 40 йилларидан қурила бошланган бу мадраса кейинчалик 34 хужрадан иборат билим даргоҳига сифатида фаолият юрита бошлаган. Мадраса таркибида масжид ва бошланғич мактаб ҳам фаолият олиб борган. Мадраса 70 дан ортиқ талабаларни саводини чиқаза олган. Бу ерда 1884 йил Тошкентдаги биринчи рус-тузем мактаби очилган. кейинчалик киностудияга ундан кейинроқ эса дорихонага айлантирилган [6,111]. 1964 йили мадраса бузиб ташланган.

Тошкент Кўкон хонлиги даврида ҳам йирик илмий маърифат марказларидан бири ҳисобланган. Тошкент шаҳрида қурилган мадрасалар Шарқ мамлакатлари орасида ҳам маълум ва машҳур бўлган. Кўплаб шарқ мамлакатлари талабалари учун ҳам илмий марказ ҳисобланган.

XIX асрда Тошкентдаги мадрасалар сони тўғрисидаги маълумотлар архив манбаларида, матбуот газеталарида учрайди. Бундан ташқари шаҳарда бўлган рус ўлкашуносларнинг маълумотларида ҳам учрайди. Аммо бу маълумотлар бир биридан фарқ қилади. Хусусан 1868-йилда Тошкентда бўлган А.П.Хорошхин тошкентлик суҳбатдошларидан тўплаган маълумотга асосланиб, шаҳарда 17 та мадраса борлигини шунингдек, Ф.Хелвалд ҳам 17 та, П.И. Пашино 15 та, Ҳ.А.Маевеса 1876 йилда Тошкентда жами 11 та мадраса борлигини таъкидлайди. “Туркестанские ведомости” газетасининг 1876 йилги 48-сонида Тошкент мадрасалари тўғрисида берган расмий маълумотида 13 та, Туркистон ўлкаси таълим тизимини ўрганган К.Э.

Бендриковнинг тадқиқотида 14 мадраса тилга олинган.

Мустақиллик йилларида ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, уларни оммалаштириш мақсадиди кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, айнан мана шу туризм соҳасида масжид ва мадрасалар муҳим маданий мерос объекти ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам тарихни ақс эттирувчи бу масжид ва мадрасаларни қайта тиклаш уларни реконструкция қилиш масаласи асосий вазифалар сифатида қўйилди.

ХУЛОСА

Юртимизда мавжуд масжид ва мадрасалар халқимизнинг диний ва миллий тарихини ақс эттирувчи объект ҳисобланади. Бу тарихимизни, меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, асраб авайлаш муҳим вазифаларимиздандир.

Тошкент шаҳри илмий мухити, илмий масканлар, мадрасалар фақатгина Ўрта Осиёда эмас бутун шарқ оламида ўз ўрнига эга эди. У ерда ўқиб, камол топиб кўплаб олим ва фузалолар етишиб чиқди. Уларнинг бой мероси ҳозирги кунда ҳам дастури амал бўлиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 4 октябрдаги 846-сон қарори // <https://lex.uz/docs/4543266>
2. Булатова В., Маньюковская Л. Памятники зодчества Ташкента XIV-XIX вв. – Ташкент: Изд-во лит. и искусства, 1983. – 144 с.
3. Мукминова Р.Г. Тўрт аср олдинги Тошкент. – Тошкент: Фан, 1984.
4. Зияев А., Комплекс Ҳазрати Имом в Ташкенте. – Тошкент, 2008.
5. Добросмыслов А., Ташкент в прошлом и настоящем. – Тошкент, 1983.
6. Тошкент кўчалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1965.
7. Тошкент энциклопедияси. – Тошкент, 2009.

8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2000-2006.
9. Ислон. Энциклопедия: А-Ҳ / Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. – 672 б.
10. Зияев А. Ташкент I – Древност и средневековье. – Т.; 2009.
11. Уринбоев А., Буриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида (XIX аср) – Тошкент: 1983.
12. Ташкент. Краткий справочник – путеводитель. – Т., УзССР, 1962.